БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 97 (4344).

16 МАЙ ШАНБА 1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

Коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодларининг СССР Олий Советига якдиллик билан сайланиши совет жамиятининг енгилмас бирлигини, СССР халқлари қардошларча дўстлигининг буюк кучини, меҳнаткашларнинг Коммунистик партия билан Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашганлигини бутун дунё олдида янги куч билан намойиш қилади.

УЛУҒ СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ИШЧИЛАРИГА, ДЕҲҚОНЛАРИГА, СОВЕТ ЗИЁЛИЛАРИГА, СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИНИНГ ЖАНГЧИЛАРИГА, БАРЧА ГРАЖДАНЛАРИГА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар! 1970 йил 14 июнда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига депутатлар сайланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сайловга илгаригидек бу сафар ҳам партиясизлар билан бузилмас блок бўлиб келмоқда. Коммунистлар билан партиясизлар блоки — партия билан халқнинг, бутун жамиятимизнинг сиёсий бирлигининг ёрқин ифодасидир. Бу бирлик замон синовидан, социализм ва коммунизм учун халқ кураши синовидан ўтди. Бу бирлик совет тузуми мустаҳкамлигининг негизи, барча ғалабаларимизнинг гаровидир.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари шу, билан фахрланишга ҳақлидирларки, уларнинг ленинча партия раҳбарлигидаги фидокорона меҳнати туфайли Ватанимиз қудратли социалистик давлатга айланди. Эксплуатация, социал ва миллий зулм ҳамда ҳуқуқсизлик абадий тугатилди. Меҳнат аҳли тарихда биринчи бўлиб ўз мамлакатининг чинакам хўжайини, янги турмуш бунёдкори бўлиб қолди. Ўзининг эртаги кунига ишонч ҳосил қилди, давлатни бошқаришда актив қатнашмоқда.

СССР Олий Советига навбатдаги сайлов ажойиб бир вақтда ўтказилмоқда.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун илғор инсоният Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини кенг ва тантанали равишда нишонлади. Ленин юбилейи меҳнат аҳлининг интернационал байрамига, барча революцион кучларнинг ва социализм муваффақиятларининг жанговор кўригига айланди. «Совет кишилари катта ва шонли йўлни босиб ўтди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Ленининг революцион сўзи биринчи марта бизнинг диёримизда янгради. Унинг революцион иши бизнинг диёримизда бошланди ва муваффақиятли равишда давом эттирилмоқда. Ленин идеаллари ҳамма ишларимизда ва планларимизда рўёбга чиқмоқда».

Яқинда совет кишилари, қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигини байрам қилди. Улуғ Ватан урушидаги ғалаба халқимизнинг қаҳрамонона шижоатидир. Совет кишиларининг мардлиги, фидокорлиги, руҳий ва маънавий бирдамлиги шу шижоатда намоён бўлди. Ленин васиятлари асосида, Ленин партиясининг раҳбарлигида совет халқи вужудга келтирган социалистик тузумни қақшатда оладиган куч дунёда йўқ, буни тарих кўрсатди.

Азиз ўртоқлар! Кейинги сайловдан бери ўтган йиллар партия XXIII съездининг қарорларини бажариш учун бутун халқ кураши билгиси остида ўтди.

Шу ўтган йилларнинг асосий якуни шундан иборатки, партиямиз XXIII съездида ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида ишлаб чиққан сиёсат Совет социалистик давлатини мустаҳкамлашда, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг, бутун жамиятимизнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини мустаҳкамлашда жиддий муваффақиятларни қўлга киритишни таъминлади. Янада олға бориш учун, коммунистик қурилишнинг янги масъулиятли вазифаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам негиз вужудга келтирилди. Жаҳон революцион жараёнида Совет Иттифоқининг роли, халқаро воқеаларнинг боришига унинг кўрсатаётган таъсири кучайиб кетди.

Шу давр ичида партия фан-техника революцияси шароитида социализм экономикасини ривожлантириш йўлини ўтказиб келди. Бу йўл — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигини ташкил этишнинг тағин ҳам мукаммал формаларини ва уни бошқаришнинг тағин ҳам мукаммал методларини жорий қилиш йўли бўлди. Саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, совет халқининг турмуш даражасини оширишда олға томон жуда катта қадам қўйилди.

1966 йилги сайлов олди мурожаатида партия КПСС XXIII съездининг қарорларига асосланиб совет жамиятини ривожлантиришнинг беш йилга мўлжалланган планларини баён қилиб берган эди. Бугун биз мамнуният билан шуни айта оламизки, бу планлар асосий иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича муваффақият билан бажарилмоқда.

Ўртоқ ишчилар, инженер ва техниклар!

Мамлакатимиз СССР Олий Советига навбатдаги сайловни саноатни ривожлантиришда эришилган анча муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Саноат маҳсулотининг ҳажми беш йилликнинг тўрт йили мобайнида қарийб 39 процент кўпайди. Саноат маҳсулотининг ҳар йилги ўртача ўсиши беш йиллик планга доир Директиваларда кўзда тутилган 8-8,4 процент ўрнига 8,5 процентни ташкил қилди. 1970 йилнинг ўзидагина уруғшдан олдинги беш йилликларнинг ҳаммасида ишлаб чиқарилганига қараганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бутун халқ хўжалигининг техника тараққиётини таъминловчи саноат тармоқлари — электр энергетика, машинасозлик, химия ва нефть химияси саноати индустрияси тағин ҳам тезроқ суръатлар билан ривожланиб борди. Электр энергия ишлаб чиқариш кўпайиб, 1965 йилдаги 507 миллиард киловатт-соатдан 1969 йилда 689 миллиард киловатт соатга, нефть қазиб чиқариш 243 миллион тоннадан 328 миллион тоннага, газ қазиб чиқариш ва ишлаб чиқариш 129 миллиард куб метрдан 183 миллиард куб метрга етказилди. Пўлат ишлаб чиқариш 91 миллион тоннадан 110 миллион тоннага етказилди. Мана шу ўсишнинг ўзи уруғдан олдинги 1940 йилда ишлаб чиқарилган пўлатнинг жамики миқдоридан ошиқ. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди.

Партия саноатни ривожлантиришдаги ютуқлар тўғрисида гапирар экан, мавжуд аҳволга сергаклик билан баҳо беради, қилаётган ишларимизнинг миқёсларини ҳам, шунингдек навбатдаги вазифаларни ва мавжуд камчиликларни ҳам очиқ кўриб турибди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан-техника тараққиётини амалга ошириш партиянинг диққат марказида турибди.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари шуни яхши биладиларки, ишлаб чиқаришнинг, халқ моддий ва маданий фаровонлигининг эртаги даражаси аввало, бугунги меҳнатнинг натижаларига боғлиқ.

Партия завод ва фабрикалардаги, қурилиш ва транспортдаги, алоқа ва коммунал хўжаликлардаги ишчиларни, инженерларни ва техникларни ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида беш йиллик охирги йили планини муваффақият билан тўла бажаришга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини зўр бериб оширишга, фан-техника тараққиёти учун курашишга, ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланишга, хом ашё ва ёқилгининг ҳар бир граммини тежаб-тергаб сарфлашга, иш вақтининг ҳар бир минутидан тўла фойдаланишга, рационализаторлик ва ихтиочиликни бутун чоралар билан ривожлантиришга чақиради.

Жамиятимизнинг бутун тарихи ишчилар синфи социализм ва коммунизм қуришда авангард, революцион ва бунёдкор куч эканлиги тўғрисида марксизм-ленинизм таълимоти ҳаққонийлигини тасдиқлаб турибди. Ишчилар синфи ўз орасидан минг-минглаб давлат ва жамоат арбобларини, ишлаб чиқариш командирларини, олимлар, саркардалар, ёзувчилар ва санъаткорларни етиштирди. Ишчилар синфи совет жамиятининг энг кўп сонли, энг уюшган синфидир.

Ишчилар синфи коммунизм учун курашда бундан буён ҳам етакчи куч бўлиб қолишига партиянинг ишончи комил.

Ўртоқлар! Партиянинг иқтисодий сиёсати жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг асосий негизи бўлган социалистик индустриямизнинг тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлади. Сизлар сайловда коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз бериб, шу билан саноатимиз бундан буён ҳам замонавий илмий-техникавий асосда тез суръатларда ривожланиб бориши учун, меҳнат унумдорлиги ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳар доим ошиб бориши учун овоз берган бўласиз.

Ўртоқ колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари!

Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари партия белгилаб берган сиёсатни амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, қишлоқнинг бутун турмушини социалистик негизда қайта қуришда ишчилар синфининг ёрдами билан зўр муваффақиятларга эришдилар. Бизнинг колхозчи деҳқонларимиз ишчилар синфининг содиқ иттифоқчиси, коммунистик жамиятнинг актив бунёдкори.

Коммунистик партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга ҳар доим диққат ва эътибор бериб келмоқда. Партия ва совет ҳукумати XXIII съезд қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март пленуми ва ундан кейинги пленумлари қарорларини бажара бориб, экономикамизнинг мана шу ҳаётий муҳим тармоғини янада мустаҳкамлашга қаратилган катта-катта тадбирларни амалга оширдилар.

Эндиликда мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга илгаригидан кўра анча кўпроқ маблағ сарфлашга қодир бўлиб қолди. Давлат ва колхозлар томонидан қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 20,4 миллиард сўм миқдорида кўпайди ва 59,3 миллиард сўмга етди.

Партия кўрган чоралар туфайли колхозчилар, совхоз ишчилари, барча қишлоқ хўжалик ходимлари қилган катта меҳнат натижасида деҳқончилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотининг ҳар йилги ўртача ҳажми 1966—1969 йиллар мобайнида бундан олдинги тўрт йилдагига нисбатан 18 процент кўпайди. Дон экинлари маҳсули 25 процент, қанд лавлаги 33 процент, пахта 15 процент, гўшт 20 процент, сут 23 процент, тухум 21 процент кўп етиштирилди.

Шу йиллар ичида колхоз ва совхозлар экономикаси анча мустаҳкамланди, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари сезиларли равишда ошди, қишлоқ хўжалигимиздаги бутун вазият ўзгариб, яхшиланди. Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида қабул қилинган колхознинг янги Намунавий Устави ва бошқа қарорлар колхоз тузумини, қишлоқ хўжалигининг бутун социалистик системасини янада ривожлантириш учун катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Бу ҳужжатлар қишлоқ меҳнатчиларининг ижодий активлигини ва ташаббускорлигини оширишга, колхоз демократиясини ривожлантиришга ёрдам беради.

Жамиятимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабини йилдан йилга тўлиқроқ қондира бориш учун қиладиган ишларимиз ҳали кўп, албатта. Партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва интенсивлаштириш борасида ишлаб чиқилган программани бундан буён ҳам қатъият билан амалга ошира берадилар.

Совет деҳқонлари ишчилар синфи билан ва халқ зиёлилари билан ёнма ён туриб, кучларини аямай бундан буён ҳам социалистик тузумни мустаҳкамлаш йўлида, давлатимизнинг иқтисодий ва сиёсий қудратини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаверишларига партиянинг ишончи комил.

Партия сизларни, ўртоқ колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларини деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтиришга, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачилик фермаларининг маҳсулдорлигини бутун чоралар билан ошираверишга чақиради! Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун мавжуд резервларни ишга солаверингиз!

Совет қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришй бундан буён ҳам муваффақиятли ривож топаверишидан, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хом-ашёга ўсиб бораётган талаби тўлиқроқ қондирила боришидан бутун халқ, партия ниҳоят даражада манфаатдордир. Сиз, ўртоқ сайловчилар, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб, шу билан социалистик қишлоқ хўжалигимизни янада яшнатиш учун овоз берган бўласиз!

Фан ва маданият ходимлари ўртоқлар!

Ленин таълим бериб айтган эдики, коммунистик жамият қурмоқ учун бутун фан, техникани, бутун билим, бутун санъатни халққа хизмат қилдирмоқ керак. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фан ва техникани ҳар томонлама тараққий эттирмоқ, халқ маорифини ривожлантирмоқ ва маданиятни гуллаб-яшнатмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Партия ва халқнинг куч ва ғайрати билан мамлакатда жуда кўп илмий кадрлар етиштирилди. Халқ хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотли миллион-миллион мутахассислар ишлаб турибди.

Материянинг энг нозик структураларини тадқиқ қилишда ва ҳаёт сирларини билишда, ер қаъри ва жаҳон океанининг энг чуқур жойларини тадқиқ қилишда, космик фазони ўзлаштиришда совет фани ажойиб муваффақиятларга эришди. Фан жамиятнинг энг муҳим ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб қолаётган хозирги пайтда унинг муваффақиятлари техниканн тараққий эттириш, бутун халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, соғлиғини сақлаш ва фаровонлигини янада ошириш учун янги имкониятлар очиб бермоқда.

Коммунистик қурилишда ижтимоий фанларнинг роли ошиб бормоқда. Халқ хўжалигини бошқаришни ва планлаштиришни такомиллаштириш, социал проблемаларни ҳал этишнинг ҳодисаларни чуқур ва самарали тадқиқ қилишга, илмий жиҳатдан асосланган прогнозларни ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Фанни бутун чоралар билан ривожлантириш ва бутун халқ маорифи системасини такомиллаштириш тўғрисида партия ва ҳукумат бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади. КПСС XXIII съездининг директиваларига мувофиқ бизнинг мактабларимизда политехника таълими ва меҳнат асосида тарбиялаш принциплари амалга оширилмоқда, умумий ўрта таълимга ўтилмоқда.

Социализм билан маданият бир-биридан ажралмасдир. Омманинг маданий савияси юксалиши натижасида халқнинг янги битмас-туганмас янги маънавий кучлари вужудга келади, деб Ленининг қилган башорати рўёбга чиқди. Социализм вужудга келтирган совет жамиятининг ҳақиқатан эркин маданияти революцион инсонпарварлик, халқчиллик ва партиявийлик байроғини баланд кўтариб, коммунизмнинг улуғ идеалларига, янги кишини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Совет давлати маданиятнинг моддий асосларини ривожлантириш учун ҳамма чоралар ни кўрмоқда. Мамлакатда чиқарилган китоблар ва брошюраларнинг ялпи тиражи 1969 йилнинг ўзидаёқ 1,4 миллиард нусхага етди. Мамлакатда 543 театр, 133 минг клуб, 350 мингга яқин кутубхона, 157 минг киноустановка ишлаб турибди. 150 миллиондан кўпроқ киши яшаб турган территория аҳолиси телевидение кўрсатувларидан баҳраманд бўлмоқда. Ҳамма шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси телевизион эшиттиришларни кўриш имконига эга бўладиган кун яқинлашиб колди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати социалистик маданиятни равнақ топтириш, жамиятнинг маънавий ҳаётини тағин ҳам бойитиш учун бундан буён ҳам бутун кучни сарфлай берадилар.

Санъат ва адабиёт ходимларининг юксак бурчи шундан иборатки, улар улуғ давримизга муносиб янги талантли асарлар яратишлари, коммунистик бунёдкорлик завқ-шавқини, халқнинг революцион ижодкорлигини илҳом билан акс эттиришлари, империалистик реакцияга қарши, буржуа ва майда буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши курашга кўшаётган ўз хиссаларини кўпайтиришлари, меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий ва эстетик тарбиялашга актив кўмаклашишлари керак.

Партия барча ақлий меҳнат ходимларини бундан буён ҳам халққа садоқат билан хизмат қилишга, коммунизм қуриш ишига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга чақиради.

Совет Иттифоқининг фан ва маданиятни, маориф ва санъатни ривожлантиришдаги муваффақиятлари — социалистик тузум шак-шубҳасиз устунликларга эга эканлигини, коммунистик партия сиёсати тўғрилигини кўрсатувчи далилдир. Социалистик маданиятнинг янада равнақ топиши, фанимизнинг янги-янги ғалабалари манфаатларини кўзлаб, партия сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришга чақиради.

Совет Армияси ва ҳарбий денгиз флотининг жангчилари, ўртоқлар!

Партия билан халқ сизларнинг зиммангизга фахрли ва масъулиятли вазифани юклаб қўйганлар. Сизлар ҳарбий маҳоратни қунт билан такомиллаштирмоқдасиз, Қуролли кучларнинг жанговар тайёргинни оширмоқдасиз, душманларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини қатиқ туриб ҳимоя қилиб колган, тарихда мисли кўрилмаган шижоатлар қилган кишиларнинг қаҳрамонона анъаналарини муносиб равишда давом эттирмоқдасиз.

Совет халқи Ленин васиятларига амал қилиб, коммунистик партия раҳбарлигида социалистик давлатнинг мудофаа қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамламоқда. Армия ва Флотни энг янги техника билан, даҳшатли куч мукаммал қурол билан таъминлаб турши учун, совет кишиларининг тинч меҳнатини, чегараларимизнинг ҳавфсизлигини мустаҳкам таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилмоқда.

Партия билан халқ шунга амин дирларки, граждалар уруши ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари шонли анъаналарининг ворислари бўлган совет жангчилари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини бундан буён ҳам адо этаберадилар, социалистик ватанимизнинг давлат манфаатлари посбонлигида хушёр тураверадилар.

Сайловчи ўртоқлар! Партиянинг сиёсати туфайли Советлар Ватанимизнинг енгилмас мудофаа қудрати, ҳар қандай агрессияни даф қилишга, социализм ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қодир бўлган қуролли кучларимизнинг жанговар қудрати таъминлаб қўйилган. Коммунистлар билан партиясизлар блоки учун овоз бериш билан ана шу сиёсатни қўллаб-қувватлаган бўласизлар.

Комсомоллар, Советлар мамлакатининг йигит ва қизлари, ўртоқлар!

Бизнинг социалистик жамиятимиз совет халқи ҳамма авлодлари ақл-заковати ва талантининг гоят мустаҳкам йиғиндисидан иборат. Социализм биносига пойдевор қўйганлар ҳам, кўлларига қурол олиб социализм ғалабаларини мардонавор ҳимоя қилганлар ҳам, байроналарга ва култепаларга айланган шаҳар ва қишлоқларни қайтадан бунёд этганлар ҳам, катта ҳаётга энгинга қадам қўйиб келаётганлар ҳам коммунизм бинокорларининг сафларида Ленин байроғи остида ёнма-ён бормоқдалар.

Коммунистик партия, бутун совет халқи ота-боболарининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини давом эттираётган, жамиятимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтираётган ёшларимизнинг шонли ишлари билан фахрланадилар.

Совет тузуми ёш авлодни камол топтириш ва унинг ижодий қобилиятини ишга солиш учун катта имкониятларни яратиб берялпти. Йигит ва қизлар комсомол, касаба союзлари советлар, давлат муассасалари ишида, ишлаб чиқаришни бошқаришда актив қатнашмоқдалар.

Совет ҳокимияти, социалистик тузум улуғ ҳуқуқлар бериб, юксак вазифаларни ҳам ишонч топширган ёш мингларча йигит ва қизлар СССР Олий Советига сайлов куни сайлов участкаларига биринчи бор келадилар.

КПСС Марказий Комитети ёш сайловчиларни актив сиёсий ҳаётга қадам қўйганликлари билан табриклайди, уларнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг граждани деган табаррук номга ҳамиша ва ҳар ерда муносиб кишилар бўлишини тилайди!

Азиз ўртоқлар! Бизнинг шонли ёшларимиз! Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун, Коммунистик партиянинг сиёсати учун овоз бериб, шу билан сиз ватанимизнинг ўзингиз буюд этаётган ва ўз меҳнатингиз билан мустаҳкамлаётган келажаги учун овоз берган бўласиз. Йигитлар ва қизлар, Ленининг: Коммунизмни ўрганингиз, навқирон ёш куч билан янги, порлоқ ҳаёт қуришда актив қатнашингиз! — деган оташин даъвати сизларга қаратилган!

Совет Иттифоқи граждалари!

Миллий масаланинг ҳал этилганлиги, миллий зулм ва тенгсизлик тугатилганлиги, халқларнинг ленинча дўстлиги тантана қилганлиги социалистик тузум эришган улкан тарихий муваффақиятдир.

Бизнинг мамлакатимизда имтиёзли ёки тенг ҳуқуқли бўлмаган халқлар йўқ, одамлар миллатига қараб бир-бирига қарама-қарши қўйилган эмас-ва ҳеч қайсилиги мумкин ҳам эмас. Ихтиёрий бузилмас иттифоққа бирлашган катта ва кичик ҳамма миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар, социалистик ватан тақдири учун баб-баравар жавобгардирлар.

Хўжаликнинг ягона социалистик системаси қарор топганлиги ҳамма халқларни социалистик ишлаб чиқаришнинг илғор формаларидан баҳраманд қилди. Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча жипслиги, ўзаро ёрдами ва самарали ҳамкорлиги туфайли шу халқларнинг кўплари асрий қолоқликни қисқа муддат ичида тугатиб, социал ва иқтисодий тараққиёт чўққиларига эриша олдилар. Илгари қақраб ётган даштлар ва ўзлаштирилмаган катта-катта ер массивлари бўлган жойларда янги индустриал марказлар, улкан электр станциялар, қудратли суғориш системалари бўлган серҳосил далалар вужудга келди.

Кўп миллатли совет халқининг ўғил ва қизлари ёнма-ён туриб меҳнат қилиб, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамламоқдалар.

Ленинча дўстлик ва қардошлик идеологияси — социалистик интернационализм идеологияси миллатларнинг янги маънавий киёфасини шакллантиришда, жуда чуқур ва ҳар томонлама маданий революцияни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Коммунистик партия миллатларни ҳар томонлама бир-бирига яқинлаштиришга, хўжалик қурилишида уларнинг ўзаро ёрдамини кучайтиришга, моддий ва маънавий маданият муваффақиятларини ўзаро баҳам кўришларини яхшилашга, миллатчилик сарқитларини тугатишга қаратилган ленинча йўлни ўтказиб келмоқда. Ҳар бир халқнинг энг яхши миллий анъаналари янги, социалистик мазмун билан бойиб, бутун совет халқининг интернационалистик фазилатлари ва анъаналари билан уйғун равишда қўшилиб кетмоқда.

Партиянинг ленинча миллий сиёсати тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тўла-тўкис исботлади. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — шу сиёсатни қўллаб-қувватлаб чиқиш, СССРдаги ҳамма халқлар экономикаси ва маданиятини янада равнақ топтиришга, уларнинг қардошларча дўстлиги ва бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш демакдир.

Сайловчи ўртоқлар!

Социализмнинг туб принципи, партия сиёсатининг асосий маъноси — халқ моддий ва маънавий фаровонлигини муттасил ошириш, инсон қобилиятларини камол топтириш ва энг яхши тарзда рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, меҳнат шароитини доимо яхшилаб бориш, давлат соғлиқни сақлаш, тарбия ва таълим системасини такомиллаштириш социалистик ҳаёт тарзининг ўзига хос белгилари бўлиб колди. Кейинги тўрт йил мобайнида мамлакатимизда миллий даромад 31 процент кўпайди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган реал даромадлар 26 процент кўпайди. Меҳнаткашлар турмуш даражасини оширишнинг беш йиллигида кўзда тутилган ва КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил сайловдаги мурожаатида эълон қилинган планлари тўла-тўкис бажарилмоқда.

Кам ва ўртача ҳақ оладиган категориядаги ходимларнинг иш ҳаки оширилди, отпускалар муддати узайтирилди. Ишчилар ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи тўрт йил ичида 21 процент, колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ 33 процент кўпайди.

Аҳолининг реал даромадлари меҳнаткашларнинг иш ҳақларн билангина асло чекланиб қолмайди. Каттадан кичиккача ҳамма совет кишилари баҳраманд бўладиган ижтимоий истеъмол фондлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган тўрт йил мобайнида шу манбадан берилган тўловлар ва имтиёзлар аҳоли жон бошига ҳисобланганда йилига 182 сўмдан 246 сўмга етди. Ижтимоий фондлар ҳисобига текин ўқитиш, медицина хизмати, стипендия бериш, пенсиялар, нафақалар ҳамда социал таъминот ва социал страхованиенинг бошқа турларини бериш, санаторий ва дам олиш уйларига текин ёки имтиёзли путёвкалар бериш, отпускаларга ҳақ тўлаш, болалар муассасаларининг иши таъминлаб турилибди.

Хозирги вақтда СССРда таълимнинг ҳамма турларига 80 миллионга яқин киши жалб этилди, шу жумладан умумий таълим мактабларида 49 миллиондан ортиқ киши, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 8,8 миллион киши ўқитилмоқда. Йил сайин халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг 16 миллиондан кўпроқ ходимига янги касблар ўргатилмоқда ёки уларнинг малакаси оширилмоқда.

Пенсия тўғрисидаги қонунларга бир қанча муҳим ўзгаришлар киритилди, пенсиялар миқдори кўпайтирилди, колхоз аъзоларини пенсия ва нафақалар билан таъминлаш гарантиялаб қўйилди. Шу тариқа партия XXIII съездининг мамлакатда ҳамма граждалар учун ягона пенсия таъминоти системасини вужудга келтириш тўғрисидаги, миллион-миллион совет кишиларининг моддий таъминотини ошириш тўғрисидаги қарорлари рўёбга чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда халқ соғлиғини сақлаш ишлари мувафқиятли ривожланмоқда. Ўтган тўрт йил ичида касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхоналар ва бошқа медицина муассасалари, шунингдек курортлар, санаторийлар ва дам олиш уйлари анча кўпайтирилди ва кенгайтирилди. Ҳозир СССРда ҳамма ихтисосларидаги 645 минг врач ишлаб турибди. Ихтисослаштирилган медицина ёрдами яхшиланмоқда, давлат санитария назоратининг сазияси оширилмоқда. Аниз шуларнинг ҳаммаси мамлакатда касалликни тағин ҳам камайтиришга, совет кишиларининг умрини узайтиришга ёрдам бермоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

УЛУҒ СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ИШЧИЛАРИГА, ДЕҲҚОНЛАРИГА, СОВЕТ ЗИЁЛИЛАРИГА, СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИНИНГ ЖАНГЧИЛАРИГА, БАРЧА ГРАЖДАНЛАРИГА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

МУРОЖААТИ

(Боши биринчи бетда).

Совет давлати оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун қулай шароитларни яратиб қўйиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Болалар касалхоналари, поликлиникалари, консультациялари, мактабгача тарбия муассасалари, санаторийлар йил сайин кўпаймоқда ва кенгаймоқда.

Мамлакатда катта миқёсларда уй-жой қурилиши олиб борилмоқда. Тўрт йил мобайнида 400 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қурилди. Аввалги сайловдан бери совет кишиларидан 44 миллиони янги квартиралар ва уйларга кўчиб чиқди ёки ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Кейинги тўрт йил ичида аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 15 процент, сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилиш 21 процент, тухум 20 процент, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 25 процент, қандшакар 13 процент, газламалар 13 процент, трикотаж буюмлар 38 процент, чарм пойафзал 19 процент кўпайгандиги меҳнаткашлар турмуш даражаси муттасил ошиб бораётганлигидан далолат беради. 1965 йилда ҳар 100 оилада 26 та теливизор, 21 та кир ювиш машинаси, 11 та холодильник бор эди, 1969 йилда эса ҳар 100 оила 49 та телевизор, 45 та кир ювиш машинаси, 26 та холодильникка эга бўлди.

Биз кейинги тўрт йил мобайнида халқ фаровонлигини ошириш учун нақадар кўп ишлар қилинганлигини айтиб ўтиш билан бирга халқ истеъмол қиладиган айрим моллар ишлаб чиқариш ҳали аҳолининг ўсиб бораётган талабларини тўлиқ кондира олмаётганлигини, айрим жойлардаги маиший хизмат корхоналари, шаҳар транспорти ишида ҳали ҳам нуқсонлар борлигини ҳисобга оламиз. КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, маҳаллий партия, совет ва ҳўжалик органлари ана шу камчиликларни туғатиш, меҳнаткашлар таъминотини ва уларга маданий-маиший хизматни янада яхшилашни таъминлаш учун зарур чораларни кўрмоқда.

Сайловчи ўртоқлар!

Ҳозирги, 1970 йил — саккизинчи беш йилликнинг якуловчи йили, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди бўладиган йил. Съезд янги муҳим қарорлар қабул қилиши, социалистик жамиятимизнинг бундан буёнги ривожланиш йўлларини белгилаб бериши керак.

Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати тўққизинчи беш йиллик планни ишлаб чиқиш вақтида социалистик индустрияни ва қишлоқ хўжалигини узлуксиз ривожлантириш негизида совет кишиларининг турмуш даражасини янада оширишни кўзда тутиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Халқ хўжалигимизнинг етакчи тармоғи — саноат тез суръатлар билан ривожланиб боради. Электр энергия, химия саноати, металлургия, машинасозлик ва приборсозлик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. Нефть ва газ чиқариш анча кўпайтирилади. Юзлаб янги-янги завод ва фабрикалар қурилади, янги йирик электр станциялар ишга туширилади, мамлакат Европа қисмининг туташ энергетика системасини вужудга келтириш тугалланади. Минерал ўғитлар, пластмассалар, синтетик толалар ишлаб чиқариш катта миқёсларда ортади. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати янада ривож топади.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқаришнинг техника савиясини ошириш, ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш учун зарур бўлган машиналар ва ускуналар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Мамлакат шарқий районларининг табиий бойликларини ўзлаштириш ва шу районлардаги иқтисодий потенциални кўпайтириш кенг миқёсда давом эттирилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантиришни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини анча мустаҳкамлаш, кенг миқёсда химиялаш ва механизациялаш кўзда тутилмоқда. Қишлоқ жойларда автомобиль йўллар ва алоқа линиялари қуриш ҳажми анча кўпайтирилади, қишлоқ меҳнатчиларининг уй-жой, социал-маданий ва маиший шароитлари яхшиланади.

Партия билан Совет ҳукумати ҳамма меҳнаткашларга ишлаш, ўқиш ва дам олиш учун қулай шароитлар яратиб бериш, истеъдод ва қобилиятларни камол топтириш ва тағин ҳам тўлиқ намоён қилиш имкониятларини вужудга келтириш устида бундан буён ҳам қунт билан ишлайверадилар. Янги беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ҳамда колхозчиларнинг даромадлари янада кўпаяди, пенсия таъминоти такомиллашади, ишловчи оналарнинг меҳнат ва турмуш шароитлари, студентларнинг моддий-маиший аҳволи яхшиланади.

Меҳнаткашларнинг даромадлари кўпайишига мувофиқ равишда халқ истеъмол моллари, айниқса узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар ишлаб чиқариш анча кўпаяди, молларнинг сифати хамда аҳолига кўрсатиладиган маиший ва медицина хизматининг савияси ошади. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш келгусида ҳам юксак суръатлар билан ривожланаверади.

Сайловчи ўртоқлар! Коммунистик партия сиёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз бериб, шу билан социализмнинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деган улуғ принципини изчиллик билан амалга оширилиши учун овоз берган бўласиз!

Совет ҳокимияти — меҳнаткашлар ҳокимияти ва меҳнаткашларга хизмат қилувчи ҳокимиятдир.

В. И. Ленин ишчилар билан деҳқонлар демократия тўғрисида қоғозга нима ёзиб қўйилганига қараб эмас, балки бу демократия ҳаётда нима бераётганлигига қараб ҳукм чиқаради, деган эди. Фақат социализмгина меҳнаткашларга реал ҳуқуқлар ва эркинликларни таъминлаб беради, инсонга муносиб меҳнат ва ҳаёт шароитларини таъминлайди. Фақат социализмгина ҳар бир меҳнатчининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда ўз кучи ва билимини ишлатиши учун, ҳамма меҳнаткашларни советлар ва бошқа оммавий ташкилотлар орқали жамоат ва давлат ишларига жалб қилиш учун шарт-шароит яратиб беради.

Социалистик демократия бериб қўйган гражданлик ҳуқуқлари гражданлик вазифаларидан ажралмасдир. Демократик тарзда қабул қилинган ҳар бир қарор оғишмай бажарилган тақдирдагина демократия таъсирчан бўлади. Социализмнинг демократик принципларини ривожлантириш сиёсий онгликни оширишга, давлат ва меҳнат интизомини, ҳар бир кишининг топширилган иш учун масъулиятини оширишга ёрдам беради.

КПСС XXIII съезди қарорлари асосида Советларнинг фаолияти активлашди. Уларнинг иқтисодий ва социал жараёнларга таъсири кучайди. Кейинги йилларда ердан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, никоҳ ва оила тўғрисида, пенсия таъминотини янада яхшилаш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ҳамда колхозчиларнинг даромадларини оширишга оид муҳим қонунлар қабул қилинди. Ҳўжалик, молия ва ер ишларини ҳал қилишда қишлоқ ва посёлка Советларининг роли оширилди.

Советларнинг бутун фаолияти халқ манфаатлари ва хоҳиш-иродасини, миллионларнинг коллектив тажрибаси ва билимларини ифодалайди. Партия омманинг сиёсий активлигини ривожлантира бориб, социалистик демократия системасига кирувчи ҳамма ташкилотлар: советлар, касаба союзлари, комсомол, кўнгилли жамиятлар, меҳнаткашларнинг ҳамма оммавий ташкилотлари ишининг самарадорлигини ошириш учун бутун чораларни кўради.

Партия бундан буён ҳам социализмнинг демократик негизларини қунт билан ривожлантира беради, ҳар бир совет гражданининг ўз қобилиятларини меҳнат ва жамоат фаолиятида тўла-тўкис намоён қила олиши учун, унинг Совет ҳокимияти бериб қўйган ҳамма ҳуқуқлардан кенг ва самарали фойдаланиши учун ишлайверади. Партия интизом ва масъулиятни ошириш ишини қунт билан давом эттираверади, жамият манфаатларига зид ҳодисаларга қарши, бюрократизм ва сансалорликка қарши кураш олиб бораверади, бу ишда ҳамма меҳнаткашларнинг актив иштирокига таянади.

Ўртоқлар, сизлар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб, шу билан Коммунистик партия ва бутун халқнинг бузилмас бирлиги учун, социалистик демократиянинг янада равнақ топиши учун овоз берган бўласиз!

Сайловчи ўртоқлар!

Коммунистик қурилиш планларининг келажаги ўзимизнинг ички шароитларгагина боғлиқ бўлиб қолмай, кўп жиҳатдан икки системанинг кураши қай тарзда ривожланиб боришига, жаҳондаги воқеалар қандай ривожланишига ҳам боғлиқ бўлади.

Партия билан ҳукумат халқаро проблемаларга доимо катта аҳамият бериб келмоқдалар. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати улуғ Ленин ишлаб чиққан принципларга асосланган бўлиб, бу сиёсат изчиллик билан оғишмай ўтказиб келинмоқда.

Бизнинг мақсадларимиз Коммунистик партия Программасида ва XXIII съезд қарорларида аниқ таърифлаб берилган.

Партия, Социалистик давлат совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнатини ҳамма ва ҳар қандай ҳамлалардан муҳофаза қилиш учун бундан буён ҳам барча чораларни кўра берадилар, мамлакатимизнинг, қардош социализм мамлакатларининг хавфсизлигини мустаҳкамлай берадилар. Совет Иттифоқи бошқа социалистик давлатлар билан дўст бўлиб, жаҳон реакциясининг дунёдаги революцион жараённи орқага буриб юбориш йўлидаги уринишларига қарши актив кураш олиб бормоқда.

Биз жаҳон социализмининг иқтисодий ва сиёсий позицияларини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамламоқ, қардош мамлакатлар ва халқлар билан дўстликни кучайтирмоқ, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантирмоқ учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишларни бундан буён ҳам қила берамиз.

Интернационал бурчига содиқ бўлган бизнинг мамлакатимиз қаҳрамон Вьетнам халқининг, Камбоджа ва Лаос халқларининг, Шарқи — Жанубий Осиё халқларининг Америка империализми агрессиясига қарши одиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди. Совет Иттифоқи дунёнинг қайси районида ва қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, империалистик агрессиянинг ҳамма ҳаракатларига изчиллик билан қарши чиқади.

Совет Иттифоқи халқларнинг мустақил давлат бўлиб яшаш, давлатларнинг ўз халқлари ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган сиёсатни ўтказиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Совет Иттифоқи Исроил ҳарбийларига ва уларнинг империалистик ҳомийларига қарши курашиб, ўзининг ҳаққоний ишини ҳимоя қилаётган араб халқлари томонидадир. Империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган ҳамма революцион ва миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келдик, қўллаб-қувватлай берамиз.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида муносабатларни тинч-тотув яшаш принципларини негизида нормаллаштириш ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлида қунт ва сабот билан ишлаб келмоқда ва бундан буён ҳам шу йўлда ишлай беради. Совет Иттифоқи Европа хавфсизлигини таъминлаш, ер юзининг ҳамма районларида пухта ва узоқ муддатли хавфсизлик системасини вужудга келтириш учун бутун кучни сарфлайди.

Совет Иттифоқи янги жаҳон уруши хавфини даф қилишга интилиб, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланишга доир ҳар қандай конструктив планларни амалга оширши учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун изчиллик билан курашмоқда.

Бизнинг ташқи сиёсий йўлимиз ҳамма халқларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини, халқлар бу сиёсатни тобора тушуниб, қўллаб-қувватлаётганлигини дунёдаги воқеаларнинг ривожи исбот этиб турибди. Советлар мамлакатининг ташқи сиёсати — Ватанимиз, жаҳон социализми куч-қудрати ва орбў-эътиборининг энг муҳим манбаларидан биридир.

КПСС улуғ Ленин васиятини бажариб, халқаро коммунистик ҳаракат позицияларини мустаҳкамлашга зўр аҳамият бермоқда, империализмга, унинг реакцион, агрессив сиёсатига қарши курашаётган ҳамма кучларнинг биргаликда ҳаракат қилишини йўлга қўйишга зўр аҳамият бермоқда.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилги халқаро Кенгаши бу йўлда муҳим қадам бўлди. Партиямиз бу Кенгашни тайёрлаш ва ўтказишда актив қатнашди. Кенгаш пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарди, коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизмга чексиз садоқатини, унинг ленинча пролетар интернационализми принципларини негизидаги жипслиққа интилишини тасдиқлади. Империализмга қарши биргаликда ҳаракат қилишнинг кенгаш ишлаб чиққан конструктив платформаси барча революцион, демократик кучларнинг империализмга қарши биргаликда олиб бораётган курашини активлаштиришга ёрдам беради.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги байрами кунларида барча мамлакатларнинг коммунистлари, революционерлари, ишчилар синфи, меҳнаткашлари Ленин ва ленинизм Ватанига яна бир марта чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар, меҳнаткаш инсониятнинг муштарак мақсадлари ва идеаллари учун курашда ўз сафларини жипслаштиришга аҳд қилганликларини билдирдилар.

КПССнинг халқаро фаолияти, Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати совет халқининг туб манфаатларига, халқларнинг империализмга қарши, тинчлик, миллий озодлик, демократия ва социализм учун кураш манфаатларига мос бўлиб тушади, ҳозирги замоннинг илғор кучлари бу фаолият ва сиёсатга ишонч билан қарайди ва уни қўллаб-қувватлайди. КПСС улуғ Ленин партиясининг ҳамиша қудратли куч ва обрў манбаи бўлиб келган ана шу юксак ишончи шараф билан оқлаш учун бундан буён ҳам ҳамма зарур ишларни қила беради.

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети бугун сизларга партия билан давлатнинг ички ва ташқи сиёсати негизларини баён қилиб бериб, шуни тантанали равишда айтадики, Коммунистик партия меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун, кўп миллатли социалистик Ватанимиз қудратини муттасил юксалтириш учун, мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун курашни узининг олий бурчи деб билади.

Социализм тақдири ва ғалабаларининг Коммунистик партия фаолияти билан бир бутун эканлигини ўтган ярим асрнинг улуғвор якунлари кўрсатиб турибди. Коммунистик партия халқнинг сиёсий авангарди ролини муносиб равишда бажариб келаётганлигига, унга садоқат билан хизмат қилаётганлигига, ғалаба нашидасини ҳам, синов машаққатларини ҳам у билан баҳам кўраётганлигига ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари, барча меҳнаткашлар авлодларининг ҳаётий тажрибасида ишончи ҳосил қилдилар. Партия коммунистлардан ҳамма ишда халқ ишончига муносиб бўлишни, омманинг омилкор ташкилотчилари ва сиёсий жангчилар бўлишни, меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатишни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети ишчиларни, деҳқонларни, совет зиёлиларини, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг ҳамма ходимларини, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчиларини, коммунистларни, комсомолларни, касаба союзларининг аъзоларини, хотин-қизларни, ёшларни, меҳнат ветеранлари ва уруш ветеранларини — ҳамма сайловчиларни СССР Олий Советига сайлов куни — 14 июнда коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришга чақиради.

Коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодларининг СССР Олий Советига якдиллик билан сайланиши совет жамиятининг ажралмас бирлигини, СССР халқлари қардошларча дўстлигининг буюк кучини, меҳнаткашларнинг Коммунистик партия билан Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашганлигини бутун дунё олдида янги куч билан намойиш қилади.

Ҳамма сайловга!

Яшасин халқлар дўстлигининг қўрғони, тинчлик ва тараққиётнинг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин коммунизм бунёдкори — улуғ совет халқи!

Яшасин жонажон Совет ҳокимияти!

Коммунистик партия раҳбарлигида, марксизм-ленинизм байроғи остида — коммунизм ғалабаси сари, олга!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг катта бир группаси жанговар ва сиёсий тайёргарликда эришган муваффақиятлари, қўшинларни юксак жанговар тайёр ҳолда тутганлиги ва янги мураккаб жанговар техниканы ўзлаштирганлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг 1970 йил 14 майдаги Фармонига мувофиқ СССР орденлари ва медаллари билан мукофотланди. Мукофотланганлар орасида жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, командирлар, сиёсий ходимлар ва инженер-техник ходимлар, ракетачилар ва учувчилар, ҳарбий денгизчилар ва десантчилар, танкчилар, тўпчилар ва бошқа турлардаги қўшинларнинг жангчилари бор.

А. Н. КОСИГИН Т. ЖИВКОВ БИЛАН УЧРАШДИ

ВАРШАВА, 14 май (ТАСС). Бугун Варшавада СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXIV сессиясида Болгария Халқ Республикаси ҳукумат делегациясига бошчилик қилаётган Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Т. Живков билан учрашди.

А. Н. Косигин билан Т. Живков ўртасида бўлган суҳбат самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет делегацияси 15 майда Варшавадан Москвага қайтиб келди. Делегация Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXIV сессияси ишида қатнашган эди. (ТАСС).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Илгари қабул қилинган қарорга мувофиқ, шу йилнинг май ойида София шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг мажлиси бўлади.

Мажлисда Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Бутун совет жамияти, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар хоҳиш-иродасини ва манфаатларини ифодаловчи давлат ҳокимиятининг олий ваколат органи — СССР Олий Советига сайлов ўтказиладиган кунга бир ой қолди.

Сайловга тайёргарликда Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округлардаги сайлов комиссиялари муҳим роль ўйнайди. Сайлов давомида сайлов қонунлари талабларининг оғишмай адо этилишини кузатиб туриш, тегишли республикалар, автоном областлар, миллий округлар территориясидаги ташкилотчилик ишини олиб бориш шу комиссиялар зиммасига юклатилган.

Шу комиссияларнинг раислари СССР Олий Совети Миллатлар Советига бўладиган сайловга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилмоқ учун 14 майда марказий сайлов комиссиясига йўналдилар.

Кенгашда 15 та иттифоқдош, 20 та автоном республика, 8 та автоном область ва 10 та миллий округнинг ҳаммасидаги Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг вакиллари қатнашдилар. Улар комиссияларнинг фаолияти тўғрисида батафсил гапириб бердилар, орттирилган тажрибани ўртоқлашдилар, сайлов кампаниясининг келгуси даврдаги тадбирларини муҳокама қилдилар.

Кенгашда Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг вакиллари: РСФСРдан — Г. М. Марков, Қозоғистон ССРдан — Е. З. Залиев, Молдавия ССРдан — Я. С. Гросул, Бошқирдистон АССРдан Г. П. Федотов, Хакассия автоном областидан П. А. Трояков ва Ненец миллий округидан З. И. Макина ахборот бердилар. Сайловга тайёргарлик масалаларини муҳокама қилишда шимолий Осетия АССР сайлов комиссиясининг раиси Т. Х. Алагов, Татаристон АССР сайлов комиссиясининг раиси З. Ш. Нурутдинов, Чукотка миллий округи сайлов комиссиясининг раиси Н. Ф. Собольков қатнашдилар.

Кенгаш иштирокчилари шуни таъкидладиларки, Ленин юбилейи йилида бошланган сайлов кампанияси даврида совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят жўш уриб кетди, уларнинг беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш, коммунизм қуришдан иборат муштарак ишга ўз ҳиссасини қўшиш йўлидаги интилиши кучайди. Беш йиллик сўнгги йилнинг дастлабки ойларида саноатимиз ишининг якунлари бундан яқол далолат беради. Ўтган квартала саноат ишлаб чиқариш ҳажми умуман мамлакатда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,9 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 7,9 процент ошди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган ҳолда давлат ҳокимиятининг олий органига бўладиган сайловни кутиб олдилар. Совет кишилари ўзининг жонажон партиясига чексиз ишонганликлари ва садоқатларини изҳор қилиб, партия раҳбарлигида коммунистик қурилиш планларини амалга оширишга, улуғ Ленин васиятларини рўёбга чиқаришга азми қарор берганлар.

Сайловга тайёргарлик ҳамма жойда СССР Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ равишда ўтаётганлиги кенгашда таъкидланди. Сайлов комиссияларининг фаолияти ғоят қизиб кетди. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, автоном областлар ва миллий округларнинг сайлов комиссиялари катта иш олиб бормоқдалар. Улар сайловга тайёргарликка, сайлов округларидаги ишларни ташкил этишга доир муҳим масалаларни қараб чиқиб, ҳал этмоқдалар. Шу комиссияларнинг аъзолари сайлов кампаниясининг бориши билан танишиш, округ ва участка комиссиялари фаолиятига зарур ёрдам бериш учун мунтазам равишда жойларга бориб турибдилар.

Депутатликка кўрсатилган номзодлар ҳамма жойда рўйхатга олиб бўлинди. Депутатликка номзодлар кўрсатиш юзасидан меҳнаткашларнинг бўлиб ўтган оммавий йиғилишлари партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, коммунистлар билан партиясизлар блокининг тош-метиндек мустаҳкамлигини, СССРдаги барча миллатлар ва элатларнинг дўстлиги ва қардошлигини янги куч билан намойиш қилди.

СССР Олий Советига сайлаш учун совет халқининг энг яхши ўғил ва қизлари — партия ва ҳукумат раҳбарлари, илғор ишчилар ва колхозчилар, совет зиёлиларининг намоёндалари, жамоат ва давлат арбоблари кўрсатилди.

Сайловга тайёргарлик ишида жамоат ташкилотлари, активлар, миллион-миллион совет кишилари фаол қатнашмоқдалар. Сайловчиларнинг йиғилишларида меҳнаткашлар умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жуда кўп масалаларни кўтариб чиқмоқдалар. Сайлов комиссияларига тушаётган кўпдан-кўп хатларда меҳнаткашларнинг Ватан қудратини мустаҳкамлаш, экономикамизнинг ҳамма тармоқларини муттасил юксалтириш, халқ фаровонлигини янада ошириш тўғрисида чуқур ғамхўрлик қилаётганлиги ўз ифодасини топмоқда. Кенгашда меҳнаткашлар таклифларини пухта ҳисобга олишнинг муҳимлиги, хўжалик ва социал-маданий қурилиш жараёнида бу таклифларни амалга ошириш учун қунт билан ишлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққан нотиқлар ҳозир сайлов комиссиялари олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида, уларнинг ишини пухта ташкил этиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Округ ва участка сайлов комиссиялари ишининг уйғунлигини таъминлашга, сайлов комиссияларининг ҳамма аъзоларига батафсил йўл-йўриқ бериб, уларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиб олишларига, сайлов бюллетенларини ва бошқа ҳужжатларни участка комиссияларига ўз вақтида етказиб беришга, уларни алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлашга, овоз бериладиган биноларни жиҳозлашга алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда сайловчиларнинг рўйхатларини ўз вақтида ва пухта текширишнинг катта аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Конституцияда гражданларга сайловда қатнашиш юзасидан бериб қўйилган ҳуқуқлардан гражданларнинг фойдаланиши ана шу рўйхатларнинг қанчалик аниқ тузилганлиги ва текшириб чиқилганлигига, бу рўйхатлар ҳамма сайловчиларни қанчалик тўлиқ қамраб олишига боғлиқ бўлади.

Бўлғуси сайловда кўпгина ёш сайловчилар овоз беришда биринчи марта қатнашадилар. Сайлов комиссиялари уларга алоҳида эътибор бериши, уларнинг ҳаммаси сайлов ўтказиш қоидасини яхши билиб олиб, ўзларининг гражданлик бурчларини бажариши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

СССР Олий Советига сайлов ёз фаслида, икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси шароитида ўтказилиши ҳисобга олиниб, кенгаш давомида сайловчилар сайлов куни қаерда бўлишларидан қатъи назар уларнинг ҳаммаси овоз беришда қатнашишини таъминловчи чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Кенгаш шуни кўрсатдики, умуман олганда мамлакатимиз территориясида ташкил этилган сайлов комиссиялари, кўп миллионли жамоатчилар армияси яширин овоз берилган ҳолда умумий, тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқининг Конституцияда белгилаб қўйилган демократик принципларига оғишмай амал қилинишини таъминлаш учун ўзларининг бутун кучларини сарфламоқдалар.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси В. В. Ермилов кенгашда иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округларнинг СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг вазифалари тўғрисида нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Марказий сайлов комиссиясининг секретари И. В. Капитонов, комиссия аъзолари В. И. Конотоп, Н. С. Тихонов, Е. М. Тяжельников, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, министрликлар ва идораларнинг ходимлари, совет жамоатчилигининг вакиллари қатнашдилар.

(ТАСС).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ XXIV СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

12 майдан 14 майга қадар Варшавада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXIV сессияси бўлиб ўтди.

Эълон қилинган ахборотда бундай дейилади: сессия ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг — Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Т. Живков, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг Раиси ўртоқ Е. Фок, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ В. Штоф, Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбал, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Циранкевич, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия Комитети ва Доимий президиумининг аъзоси, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Косигин, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетя Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси ўртоқ Л. Штроугал бошчиликидаги делегациялар қатнашдилар.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан, дейилади ахборотда, ўртоқ Ю. Циранкевичнинг «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлигида Ленин ғояларининг мужассамлашуви» деган доклади сессияда тантанали вазиятда тингланди. Бу докладда жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашнинг актуал проблемаларини ҳал этиш учун, унинг жаҳон революцион жараёнига ўтказаётган таъсирини кучайтириш учун, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун В. И. Ленин назарий меросининг бениҳоя зўр аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган мажлисда Югославия Социалистик Федератив Республикаси Иттифоқ ижроия вечаси Раисининг ўринбосари ўртоқ А. Грличков бошчилигидаги Югославия Социалистик Федератив Республикасининг делегацияси қатнашди.

Сессияда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXIII (махсус) сессияси қарорларини рўёбга чиқаришнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳамда уларнинг социалистик иқтисодий бирлашувини ривожлантиришнинг келажакка мўлжалланган комплекс программасини ишлаб чиқишга доир ишлар қандай олиб борилаётганлиги тўғрисида ижроия комитетнинг доклади қараб чиқилди. Сессия, дейилади ахборотда, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг план органлари раисларининг ахборотларини тингланди ҳамда бу ишни тугаллашга доир конкрет тадбирлар белгиланди.

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси халқаро инвестиция банкини тузиш ва унинг Устави тўғрисидаги битим лойиҳаларини маъқулладилар ва мазкур битимни 1970 йил 10 июлгача имзолаш тўғрисида келишиб олдилар. Банкнинг асосий вазифаси, аввало, халқаро меҳнат тақсимотига, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришга, хом ашё ва ёқилғи базасини муштарак манфаатлар йўлида кенгайтиришга қилинадиган харажатларга, экономиканинг бошқа тармоқларида банкка аъзо бўлган мамлакатлар экономикасини ривожлантириш учун ўзаро манфаатли объектлар қурилишига, шунингдек мамлакатларнинг миллий экономикаларини ривожлантириш ва бошқа мақсадлар учун керакли объектлар қуриш билан боғлиқ бўлган ҳамда банк кенгаши томонидан белгиланадиган ва унинг вазифаларига мос бўлиб тушадиган тадбирларни амалга ошириш учун кредитлар бериб туришдан иборат бўлади.

Сессия иқтисодий ҳамкорлик халқаро банки фаолиятини яхшилаш ва янада кенгайтиришга, сўмга айлантириб қилинадиган кўп томонли ҳисоб-китоблар системасини такомиллаштиришга доир тавсияларни маъқуллади. Иқтисодий проблемаларни комплекс равишда ишлаб чиқишни амалга ошириш фаолияти соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш тўғрисида тақдим этилган таклифларни маъқулланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида 1971-1975 йилги даврда халқ хўжалик планларини координациялашга доир ишлар қандай бораётганлиги ва бу ишларнинг аҳволи тўғрисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг план органлари раисларининг ахборотларини тингланди ҳамда бу ишни тугаллашга доир конкрет тадбирлар белгиланди.

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси халқаро инвестиция банкини тузиш ва унинг Устави тўғрисидаги битим лойиҳаларини маъқулладилар ва мазкур битимни 1970 йил 10 июлгача имзолаш тўғрисида келишиб олдилар. Банкнинг асосий вазифаси, аввало, халқаро меҳнат тақсимотига, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришга, хом ашё ва ёқилғи базасини муштарак манфаатлар йўлида кенгайтиришга қилинадиган харажатларга, экономиканинг бошқа тармоқларида банкка аъзо бўлган мамлакатлар экономикасини ривожлантириш учун ўзаро манфаатли объектлар қурилишига, шунингдек мамлакатларнинг миллий экономикаларини ривожлантириш ва бошқа мақсадлар учун керакли объектлар қуриш билан боғлиқ бўлган ҳамда банк кенгаши томонидан белгиланадиган ва унинг вазифаларига мос бўлиб тушадиган тадбирларни амалга ошириш учун кредитлар бериб туришдан иборат бўлади.

Сессия иқтисодий ҳамкорлик халқаро банки фаолиятини яхшилаш ва янада кенгайтиришга, сўмга айлантириб қилинадиган кўп томонли ҳисоб-китоблар системасини такомиллаштиришга доир тавсияларни маъқуллади. Иқтисодий проблемаларни комплекс равишда ишлаб чиқишни амалга ошириш фаолияти соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш тўғрисида тақдим этилган таклифларни маъқулланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш учун жаҳон социалистик системасининг халқаро иқтисодий проблемалар институтини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXIII ва XXIV сессиялари ўртасидаги даврда ижроия комитетнинг фаолиятини маъқуллаб, сессия комплекс программаларни белгиланган муддатларда тузишга доир ишларни муваффақиятли тугаллаш учун чоралар кўришини мамлакатларга тавсия қилди ва ижроия комитетга топширди. Ахборотда таъкидлаб айтилишича, кенгаш сессиясида масалаларни муҳокама қилиш дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. (ТАСС).

АҚШНИНГ ҲИНДИ-ХИТОЙДАГИ АГРЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ, МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ССР ИТТИФОҚИ ВА ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲУКУМАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

Ҳинди-Хитой ярим оролидаги яна бир давлат — Камбоджа территориясига уруш кўчирилганлиги ва Американинг шу райондаги агрессияси кенгайтирилганлиги муносабати билан Ҳинди-Хитойдаги аҳвол масаласини Болгария Халқ Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Т. Живков, Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ю. Цеденбал, Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ю. Циранкевич, Руминия Социалистик Республикаси ҳукуматининг бошлиғи И. Г. Маурер, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигин, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Л. Штроугал кўриб чиқишди.

Эълон қилинган баёнотда ҳукуматларнинг бошлиқлари Камбоджадаги уруш ҳаракатлари кенгайтирилаётганлиги, Вьетнам халқига қарши уруш давом эттирилаётганлигини, АҚШнинг Лаос ватанпарвар кучларига қарши уруш ҳаракатларини кенгайтираётганлигини кескин равишда қоралашдилар.

Баёнотда айтиладики, Ҳинди-Хитойда Америка агрессияси кенгайтирилаётганлиги умумий халқаро вазиятни ёмонлаштириб юборди, кўпгина халқаро проблемаларнинг ҳал қилинишини хавф остида қолдирди. Америка агрессиясининг бундай кенгайтирилаётганлиги халқларнинг тинч-тотув яшаш, ҳамжиҳатлик ва халқаро ҳамкорлик йўлида кўраётган чораларига жиддий зарар етказмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг ҳукуматлари шу нарсага қатъий аминдирларки, дейилади баёнотда, АҚШ Ҳинди-Хитойда ўтказаётган босқинчилик ва агрессия сиёсати натижа бермайди ва барбод бўлишга маҳкум. Ҳинди-Хитой халқларининг антиимпериалистик бирлик фронти агрессорга қарама-қарши бўлиб турибди.

Баёнотда айтиладики, социалистик давлатлар, тинчлик ва озодлик манфаатларини қадрлаётган халқларнинг ҳаммаси империалистларнинг аралашувига қарши курашаётган халқларга хайрихоҳлик қилиб, уларни қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳукуматларнинг бошлиқлари, дейилади баёнотда, Ҳинди-Хитой халқларининг юксак доирадаги кенгаши эркинлик ва миллий мустақилликни ҳимоя қилишда, империалистик агрессияга қарши курашда бирбирларини ҳурматлаш асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида қабул қилган қарорини табриклайдилар.

Ҳинди-Хитойда тинчликни қайта тиклашнинг фақат битта йўли бор, бу эса Америка агрессиясини тўхтатиш, АҚШ ва иттифоқчиларининг қўшинларини шу райондан олиб чиқиб кетиш, Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишларни батамом тўхтатиш ва Ҳинди-Хитой халқларининг ўз ишларини четдан ҳеч кимни аралаштирмай ўз продаларига, орауларига ва манфаатларига мувофиқ ўзлари ҳал қилишларидан иборат муқаддас ҳуқуқига риоя қилиш йўлидир. Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг 10 моддаси, Лаос ватанпарварлик фронти Марказий Комитетининг тинчлик ва бирликни қайта тиклаш тўғрисида 1970 йил 6 мартда тақлиф қилган беш моддалик программаси, шунингдек Камбоджа миллий бирлик фронтининг Америка агрессиясига қарши кураш ҳамда ўз мамлакатининг бетарафлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш тўғрисида ишлаб чиққан программаси Ҳинди-Хитойдаги аҳволни бартараф қилиш учун конструктив ва оқилона негиздир.

АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессияни кенгайтираётганлиги социалистик мамлакатларнинг жипслигини марксизм-ленинизм принциплари асосида кучайтиришни, барча антиимпериалистик ва тинчликсевар кучларнинг агрессияга қарши курашдаги жипслигини кучайтиришни тақозо этмоқда. Тинчлик ва халқлар эркинлигини қадрлаётган давлатларнинг ҳаммаси вужудга келган шу вазиятда воқеаларнинг бундан буёнги бориши учун масъулиятни юксак даражада ҳис қилиб, агрессорга зарба беришга қатъий кўмаклашишлари лозим.

Американинг Ҳинди-Хитойдаги агрессияси кенгайтирилаётганлигининг оқибатлари учун жавобгарликнинг бутун оғирлиги АҚШ ҳукумати зиммасига тушади. Шу баёнотни имзолаган социалистик давлатларнинг ҳукуматлари Америкаларнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессияси кенгайтирилаётганлигини кескин равишда қоралаб, Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларига бундан буён ҳам зарур мададни бериб туражакларини маълум қиладилар. Уларнинг оқилона кураш талаба қилишига қатъий ишонч билдирадилар.

(ТАСС).

МИРЗАЧЎЛ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ГУЛИСТОН, 15 май. (ЎзТАГ). Бугун Мирзачўлнинг марказида жойлашган Герман Титов номли совхозда Сирдарё область қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Улар область колхоз ва совхозлари зиммаларидаги социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини муҳокама қилдилар, беш йилликнинг охирги йилида пахта, ғалла ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш чораларини белгилаб олдилар.

Нутқларда таъкидлаб ўтилдики, бу йил чигит қисқа муддатларда ва юксак агротехника даражасида экилиб бўлган. Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига асосий қишлоқ хўжалик экин майдони 15 минг гектар кенгайтирилди. Кўпчилик районларда чигит қийғос униб чиқди, ғўзани культивация қилиш, суғориш бошланди. Республикада кўп пахта етиштириш учун бошланган мусобақанинг ташаббусчиси — Мирзачўл районидаги қўриқ ерда барпо этилган Ленин номли совхозининг қийғос унган ғўзасини кўриб қувонасиз. Аммо Ильич, Жетисой ва Пахтакор районларидаги хўжаликларнинг иши унча дуруст эмас. Бу ерларда пахтазорларни чопиқ қилиш кечикмоқда.

Кенгаш қатнашчилари бу йил Мирзачўлда 520 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотмоқ учун барча куч-қувватларини сарфлашга қарор қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кенгаш ишида қатнашди ва нутқ сўзлади.



ТУРҒУНБОЙ Кутепов бошлиқ бригада Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида энг илғорлардан ҳисобланади. Улар бу йил 80 гектар майдонидан пландаги 29 центнер ўрнига 31 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун шу кунларда ғўза парваришини ҳар томонлама яхши олиб боришяпти. Бригада пахта далаларида ғўзага учинчи марта ишлов бериш бошлаб юборилди. Суратда: бригада пахтазорларида культивация пайти.

С. МАХОВ фотоси.

ЗИЁКОРЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини, марксизм-ленинизмнинг бой назарий меросини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш ва халқни коммунистик қурилиш ғалабаларига сари руҳлантиришда, янги жамият қишисини вояга етказишда «Билим» жамияти аъзоларининг роли бениҳоя катта. Ҳамиша омма орасида бўлиб, халқни билим чашмаларидан баҳраманд этаётган лекторларни ҳақли равишда зиёкорлар деб аташади. Чиндан ҳам шундай.

«Билим» жамияти область ташкилоти кейинги икки йил ичида меҳнаткашлар ўртасида таргибот ишларини яхшилаш соҳасида бирмунча тадбирларни амалга оширдилар. Ташкилотнинг сафи сон жиҳатидан ўсди, сифат жиҳатидан яхшиланди. Ҳозир область жамиятининг 500 дан ортиқ бошланғич ташкилоти бўлиб, ўз атрофига 7800 дан ортиқ лекторни бирлаштиради. Улар орасида академиклар, фан докторлари ва профессорлар, фан кандидатлари, олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтларининг тажрибали ўқитувчилари бор.

Кўриниб турибдики, областнинг лекторлар армияси жуда катта кучга эга. Хўш, бу куч ўз олдига қўйилган вазифани қай даражада адо этмоқда? Жамиятнинг кеча бўлиб ўтган Х конференциясида делегатлар кўпроқ ана шу саволга жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Область ташкилоти правленнесининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Юсупов ўз ҳисобот докладида зиёкорларнинг кейинги икки йил ичида қилган ишларига батафсил тўхталиб ўтди. Докладчи ҳисобот даври улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш даврига тўғри келганлиги, шу боисдан Ленин тематикаси лекция пропагандасида асосий ўрин эгаллаганлигини алоҳида таъкидлади.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида Ленин тематикаси бўйича 10 мингдан ортиқ лекция ўқилди, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, назарий конференциялар ўтказилди, — деди докладчи.

Областдаги йирик саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларида 365 та Ленин лекторийси ташкил этилди, 120 дан ортиқ илмий-назарий конференция, тематик кечалар ўтказилди. Кекса большевиклар, революция, граждан-лар урушн ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун қураш иштирокчилари билан учрашувлар, кино ва радио лекторийлар тингловчиларда катта қизиқиш уйготмоқда.

Конференцияда лекция пропагандасида йўл қўйилаётган нуқсонлар кенг таҳлил этилди, лекцияларни планлаштиришга илмий ёндошиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Олмалиқ, Янгиобод шаҳарлари, Оққўрғон, Бўка, Оржоникидзе ва Янгийўл районларида лекция пропагандасини йўлга қўйишда бир қатор камчиликлар бор, жумладан, ана шу жойларда уюштирилаётган кўпгина лекциялар меҳнаткашларнинг эҳтиёжини тўла қондирмаяпти.

Ўқилаётган лекциялар мавзуи бир мунча тор. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш, конкрет экономика, илмий атеизм масалалари бўйича лекциялар жуда кам ўқилмоқда. Область, шаҳар ва район ташкилотлари кўпгина секцияларининг ишини қониқарли, деб бўлмайди. Улар ўқилаётган лекцияларнинг сифатли бўлиши учун етарли даражада қайғурмаётирлар.

Музокарада қатнашган Ангрен туннель отряди қурилиш комитетининг раиси Н. И. Феденко, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг «Билим» жамияти правленнеси раиси В. И. Михеев, Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхози партия ташкилотининг секретари М. Қобулов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг секретали Л. В. Лаврина, Ўзбекистон КП Марказий Комитети лекторлар группасининг бошлиғи И. М. Жабборов ва бошқа ўртоқлар жамиятнинг область правленнеси ҳисобот даврида қилган ишлари ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида талабларига мос қилиб ташкил этишга доир қимматли фикрлар билдирдилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Конференция правленнеининг ҳисоботи юзасидан қарор қабул қилди ҳамда правление ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

«Билим» жамияти область ташкилоти правленнесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. «Билим» жамияти область ташкилоти правленнесининг раиси қилиб, фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Юсупов, раис ўринбосарлари қилиб И. Асфандиёров, И. Исҳоқов, Ш. Г. Пальянц ўртоқлар сайландилар. Правленнеинг масъул секретари қилиб ўртоқ А. С. Битеев сайланди. Шунингдек, пленумда илмий-методик секцияларнинг раислари ҳам тасдиқланди.

ЮГОСЛАВИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг раҳбар юстиция ходимлари делегацияси Тошкентга келди. Югославия Социалистик Федерацияси одил судлов Иттифоқ кенгашининг Раиси Иосип Брмчич бошчилигидаги делегация составида Югославия Олий Судининг раиси Илия Дошен, Югославия Олий суди раисининг ўринбосари Иосиф Малович, Иттифоқ прокурорининг ўринбосари Боро Личеноски бор. Мамлакат бўйлаб қилинаётган саферда СССР Олий судининг Раиси А. Ф. Горкин меҳмонларга ҳамроҳ бўлмоқда.

Югославия раҳбар юстиция ходимлари республикага келган биринчи кун — 15 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова уларни қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда Е. С. Насриддинова меҳмонларга республиканинг ҳаёти тўғрисида гапириб берди.

Югославиялик меҳмонлар шу кунинг ўзида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Машинасозлик давлат лойиҳалаш конструкция технология бюросига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Республика - саноатини ривожлантириш, республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари учун малакали кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш ҳамда уларни механизация воситалари билан таъминлашдаги хизматлари учун ва ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан машинасозлик давлат лойиҳалаш конструкция технология бюросига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ

1970 йил 15 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. Г. КРАВЧЕНКОГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги юксак унумли асбоб-ускуналарни ёа механизация воситаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқишга жорий этишда актив қатнашганлиги учун ҳамда машинасозлик давлат лойиҳалаш конструкция технология бюросига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводи ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан завод директори Виктор Григорьевич **Кравченкога** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ

1970 йил 15 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Машинасозлик давлат лойиҳалаш конструкторлик технология бюросига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводининг 50 йиллиги муносабати билан ҳамда коммунистик қурилиш ишига катта ҳисса қўшган коллективнинг меҳнатда эришган муваффақиятларини ҳисобга олиб заводнинг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида узоқ йиллар ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ректори профессор Шопўлат Шоакбарович **Абдуллаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида узоқ йиллар ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти педагогика кафедрасининг мудири профессор Сиддиқ Ражабович **Ражабов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон сайлов округларида СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан меҳнаткашларнинг учрашувлари бошланди.

Тошкент ҳалқ хўжалиги институтининг мажлислар зали 15 май куни одамлар билан лиқ тўлди. СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 115-Тошкент — Чилонзор сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари ўз номзоди — «Отделстрой» трести сувоқчилар бригадири Каримжон Муслимов билан учрашиш учун шу ерга тўпланишган эди.

Ишончли вакил—халқ хўжалиги институти партия комитети секретарининг ўринбосари Т. С. Саъдуллаев мажлис аҳлига депутатликка кўрсатилган номзоднинг меҳнат ва жамоат фаолиятини гапириб берди. Сўзга чиққан сайловчилар Каримжон Муслимовнинг коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг муносиб намояндаси эканлиги тўғрисида завқ-шавқ билан гапирдилар. Нотиқлар округ меҳнаткашлари мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига бўладиган сайловни зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати билан кутиб олаётганликлари ҳақида, ҳамма сайловчилар депутатликка номзодлар учун яқдил овоз бериш билан жонажон Коммунистик партияга чексиз содиқ эканликларини, улуғ Ленин васиятларини бундан буён ҳам муваффақиятли равишда амалга оширишга тайёр эканликларини янги куч билан намойиш қилиб кўрсатишга қизғин интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Сайловчилар депутатликка ўзлари кўрсатган номзодга амалий наказлар бердилар.

Мажлис аҳли Каримжон Муслимов нутқини самимий кутиб олди. Депутатликка кўрсатилган номзод биддирилган ишонч учун сайловчиларга сидқидилдан миннатдорчилик билдирди, бу ишончни шараф билан оқлаш учун бутун кучини сарфлашини айтди.

* * *

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 618-Гулистон сайлов округининг меҳнаткашлари шу округдан депутатликка номзод Сирдарё районидаги Ленинн номли колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Йўлдошева билан учрашдилар.

Ишончли вакил-Гулистондаги 4-ўрта мактабнинг директори Р. М. Олламуродова ва учрашувнинг бошқа қатнашчилари депутатликка номзодни колхоз ишлаб чиқаришининг истеъдодли ташкилотчиси деб таърифладилар.


Назира Йўлдошева жавоб сўзида кўрсатган ишончлари учун меҳнаткашларга қизғин миннатдорчилик билдирди ва бундан буён ҳам Ватан фаровонлиги учун хормай-толмай меҳнат қиламан, деб сайловчиларни ишонтирди. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

15 май куни Тошкентда матбуот конференцияси бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон ССР Олий Совети—республика давлат ҳокимиятининг олий органи» деган тема-га бағишланди.

Журналистлар ҳузурида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бўлимининг мудири Ғ. А. Абдумажидов сўзга чиқди. (ЎзТАГ).

ТОҒ ГУЛЛАРИ



Н. Тўраев фотоэтюди.

ПАРВОНА

Қулоч ёзган ниҳол ёнида,
Яйраб турар икки навқирон.
Муҳаббатим юрак қонида,
Дил сўзини айлашар баён...
Умр шундай, бугунги ниҳол
Эрта эса умидга пайванд.
Бахт йўлида қўйинган иқбол
Ниҳол бўлиб туғилар фарзанд.
Фарзанд билан ниҳол икковлон
Муҳаббатдан сўнмас нишона.
Шулар билан кўркамдир чаман,
Ҳаёт эса бизга парвона.

СОЗАНДА

Тормигим созладинг, дилим созладинг,
Кўнглим ором олди ҳар чертишингдан.
Мунча ҳам ширинсан, мунча ёқимли
Минг марта ўргилай азиз бошингдан.
Юракда нв бўлса куйлаб бераолдинг,
Худди шу юракдан ташаккур сенга
Қалбларни акс этган созчинга раҳмат.
Илҳомчи бўлади шеъримга — менга.
Ҳар бир чертишингда ўйноқ пардалар
Ҳузур бағишлайди минг-минг одамга.
Ҳордиқ олар экан сокин оқшомлар,
Умид бағишлайсан келгуси дамга.
Тормигим созладинг, дилим созладинг.
Кўнглим ором олди ҳар чертишингдан.
Мунча ҳам ширинсан, мунча ёқимли
Минг марта ўргилай азиз бошингдан.

КЕЛИНЧАК

Кочагина тол баргак ўйнаб,
Томбошида эркин юргандинг.
Белгинангга тушган сочингни,
Тола-тола қилиб ўргандинг.
Йиллар ўтди, ўсдинг етилдинг
Илм билан мукаммал умр.
Сен ҳаётнинг ёш гражданн
Бошинг узра болқиб турар нур.
Букуи янги уйга меҳмонсан,
Сен бу уйнинг ёш келинчаги
Йиллар, ўтар, она бўларсан
Ва очилар севгинг чечаги.

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

(Болаларни эркалаб)

Саф-саф бўлиб отланиб,
Қуш каби қанотланиб
Қувонч билан шайланиб
Довонлардан ошамиз.
Дарё каби тошамиз.
Қўлимизда ол байроқ,
Кўнглимиз каби порлоқ.
Меҳр билан боқ, ўртоқ,
Бу давримиз байроғи
Биз Ленинниинг чароғи.
Биз тинчлик ниҳолимиз,
Ҳаёт боғин гулимиз.
Завқли тонг булбулимиз
Тинч яшаймиз омонда,
Шундай бахтли замонда.
Саф-саф бўлиб отланиб,
Лочиндек қанотланиб,
Қувонч билан шайланиб
Довонлардан ошамиз,
Дарё каби тошамиз.

Юсуфжон ҲАМДАМ

Янги шеърлар

ЭКСПЕДИЦИЯ ТОПИЛМАСИ

Геология фанининг муҳим соҳаси ҳисобланган металлогения ҳам кенг ривож топган. Республикамиз геологларининг бу борада олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовор.

Тошкент политехника институти ҳузурида ташкил этилган металлогения экспедицияси ҳам республикамиз геологиясини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Экспедиция ишида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси профессор Х. Боймуҳамедов, геолог олим С. Холиқов ва бошқалар актив қатнашмоқдалар. Бу кўчма илмий марказ томонидан бажарилган ишлар халқ хўжалигига катта фойда келтираётир.

Зиёвутдин тоғига қилинган экспедиция янги топилмалар билан қайтди. Бу нодир тош жинслари запаси 270 тоннага тенг эканлиги маълум бўлди.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МУСОБАҚА БОШЛАНДИ

Кўхна Самарқандда юз кишилик шашка бўйича XII халқаро турнир бошланди. Турнирда жаҳоннинг энг кучли спортчилари — Андрис Андрейко, Исер Куперман, Вячеслав Шчеглов, Владимир Каплан, Леонид Ципес, Яков Шаус, голландиялик Ван дер Слуйс ҳамда Вернер, америкалик Карл Смит, Италиядан Эдмондо Фонелли ўзаро куч синашмоқдалар.

Халқаро турнирда ҳамшаҳаримиз, СССР спорт мастери Сергей Давидов ҳам иштирок этмоқда. Мусобақанинг биринчи турида жаҳон чемпиони А. Андрейко (Рига) ўз ҳамшаҳари Шаус устидан, СССР чемпиони А. Гантварэг эса Фонелли устидан ғалаба қозонди. Шчеголев — Куперман, Каплан — Вернер, Ван дер Слуйс — Давидов учрашуви томонларнинг яримтадан очко бўлиб олишлари билан якунланди.

С. БОРУХОВ,
СССР спорт мастери.



Университада ғолиби бўлган ТошДУ нинг гимнастикачи қизлари командаси: (чапдан) И. Киселева, В. Турханова, Р. Давидова, А. Диамидов (тренер), Т. Мирошниченко, Е. Коробейникова.

А. Кевхалиц фотоси.

ҒОЛИБ СТУДЕНТЛАР

Яқинда пойтахтимизда РСФСР, Ўрта Осиё ва Қозоғистон университетларининг анъанавий VI универсиадаси бўлиб ўтди.

Универсиаданинг программасига спортнинг саккиз тури—спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, классик кураш, оғир атлетика ва шахмат киритилган эди. Универсиада Б. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 50 йиллик тўйига аталгани учун юбилей номи берилди. Шу муносабат билан ғолибларни «В. И. Ленин номли ТошДУнинг 50 йиллиги» олтин медали билан тақдирлашга қарор қилинди.

Биринчи бўлиб курашни оғир атлетикачилар бошлаб беришди. Дастлабки кунлардаёқ Қозоғистон, Ёқутистон, Ўзбекистон ва Иркутск университетлари командалари ғолибликка даъвогар эканликларини кўрсатдилар. Биринчи куни енгил вазнда тошкентлик Валерий Ким силтаб кўтаришда ўтган йилги рекордни бирданига 17,5 килограммга яхшилаб ҳамшаҳарларининг руҳини кўтариб юборди. Иккинчи куни Ёқутистон ва Қозоғистон командаларининг қўли баландроқ келди.

Охирги кун Тошкент университетининг вакиллари кетма-кет рекорд қўйиб рақибларидан ўзиб кетдилар. Ярим оғир вазнда Иван Сатириади уч курашда рекордни бирданига 30 килограммга оширди. Биринчи оғир вазнда 1-разрядли Геннадий Непрянин ҳар ҳаракатда юқори натижалар кўрсатиб уч курашда ўтган йилги рекордни 87,5 килограммга оширди. Уч курашда 467,5 килограммни забт этди. Шундай қилиб умумкоманда ҳисобида Тошкент Давлат университетининг спортчилари учта олтин, бир кумуш, ва иккита бронза медали билан биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Классик курашчилар оғир атлетикачиларнинг ғолиблик йўлини дадил давом эттирдилар. Чунончи бешта олтин, иккита кумуш ва бир бронза медали яна тошкентликлар кўкрагига тақилди.

Сўнг спорт гимнастикаси мусобақалари бошланиб кетди. Ҳамшаҳарларимиз ўтган беш универсиадада юқори спорт маҳоратларини намойиш қилиб ғолибликни қўлда сақлаб келаётган эдилар. Биринчи кундаёқ галаба рухи улар билан бирга бўлди. Аёллар ўртасида Ирина Киселева, Раиса Давидова, Татьяна Мирошниченко, эркаклар орасида эса Марат Каримов, Борис Пересадовлар спорт мастерлари программаси бўйича мусобақалашиб, ҳаммалари мукофотли ўринларни олишга муяссар бўлдилар.

Шунингдек бошқа турларда ҳам Тошкент Давлат университети спортчилари катта ғалабаларни қўлга киритдилар. Бир ҳафта давом этган универсиада мусобақалари якунида ҳамшаҳарларимиз ғолиблик медалларининг ярмидан ортиқрогини олиб қолишга эришдилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

БЕМАЪНИ ТУШ

ҲАЖВИЯ

А. КРУЧИНА.

Чекиш жойида ўтирган эдим, ёнимга Вася Ёжиков келди. У кўзларимга қарамасликка ҳаракат қилиб, деди:

— Мени кечиргинку, лекин иложим йўқ, сени огоҳлантириб қўйишим керак... Ҳаракатлай эҳтиёт бўлгин, умуман...

— Нималар деяпсан, Вася? — сўрадим ундан.

— Бугун тушимда ўлиб қолган эмишсан. Албатта, аҳмоқона бу туш кўришлар... Ҳар эҳтимолга қарши билиб қўй, деяпман.

— Қандай қилиб ўлибман? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Майда бундай... Тобутда ётганмишсан, сени олиб кетишаяпти...—Васянинг овози титраб чиқди.

— Бўлмаган гап,—ишонқирамай дедим мен.

— Цехимиз ишчилари олиб кетишаяпти... Анави Ермолкин бўлса. «Оғир жудолик, ёш рационализатордан айрилдик»— деяпганмиш.

— Бекорчи гапни қўйсангчи!

— Ҳеч ҳам бекор гап эмас!— Енимизга мўйсафид Кондратьич келиб ўтирди.—Ҳозир бекор гапларни ёзишмайди. Олимлар ҳали бир қарорга келишмаган, лекин бу бежиз эмас.

Суҳбатимизга яна бир неча киши қўшилди. Ҳаммалари менга ачиниб, қараб туришарқан, мени ваҳима боса бошлади.

— Мен ҳам эшитган эдим, одам ўлимдан олдин ўзини аллақандай ғалати сезар экан,—деб қолди шунда кимдир.

— Ана, ана... Сен унинг рангига қарагин, оқариб кетибди.

— Вася, эҳтимол тушингга кирган мен эмасдирман? Сен яхшилаб эслаб кўр,—умид билан унга юзландим.

У оғир хўрсиниб деди:

— Йўқ, сен... Худди сен эдинг. Музика чалинаяпти, одамлар йиғлашяпти, сен эса тобутда ётибсан, кейин бирданига бақириб юбординг: «Туфурдим мен ўша сизларнинг карбюраторларингизга!..»—дединг.

— Нима? Қанақа карбюратор? —вужудим титраб кетди.

— Мен қаердан билай? Нима кўрган бўлсам шуни айтаяпман.

Чекиш жойи бир зум сув қўйилгандек тинчиб қолди.

— Сен ташвишланма,—тинчлантира бошлашди мени,—балким ҳеч қандай воқеа содир бўлмас, ҳаммаси ҳам яхшилик билан ўтиб кетар...

Шу топда мен ёлғиз ўзим қолишни истар эдим...

Италияда яшайдиган бир киши кўзларини юмаркану, қўшни бола қаерда йўқолиб қолганлиги , ёки хотини ундан яшириб қўйган пулларини қаердалигини осонликча айтиб берарканми. Эҳтимол, Вася ҳам шунақа, тўғри айтаётгандир! Наҳотки ўлиб қолсам? Ҳали ўттиз ёшга ҳам кирмаган эдим...

Мен шу ҳаёллар билан хомуш, кетаётиб, қуққисдан Ермолкинга урилиб кетдим.

— Нима қилди сенга?—аввалимни кўриб қўрқиб кетди у.— Уйингга бор, тобинг қочган кўринади, қара, рангинг ўчиб кетибди.

— Ёжиковнинг тушида мен ўлиб қолган эмишман. Бу тушнинг таъбирини айтиб бера олмайсизми?—сўрадим зўрба-зўр ундан.

— У-ў-ўлибсан?—ҳайрон бўлиб чўзиб сўради Ермолкин.—Бунақа тушлар ҳақида кўп эшитган эдим, лекин бахтга қарши ҳозир бирортаси ҳам эсимда йўқ:

Кўтилмаганда у мендан сўраб қолди:

— Сен ўзингни страхование қилдирганмисан?

— Йўқ.

— Ана буниси ёмон бўлибди? Агар бирор кўнгилсиз воқеа содир бўлса, хотинига пул тўлашар экан.

Мен тезроқ унга кетишни истардим. Ишлашга мажолим қолмади. Цехимиз бўйлаб Васянинг туши муҳокама қилинар эди.

Шунда бирдан ёнимда Кондратьич пайдо бўлди.

— Эсингдами,—деди у,—ойлик олишимизга яқин сен мендан беш сўм олган эдинг-а.—У қизариб гапирар эди.

Мен дарҳол унга беш сўм бердим.

— Тушни кўп ўйлайверма. Мен ҳам шунақа тушлар кўриб тураман.

Эртасига цехга соғ-саломат, хурсанд бир қиёфада кириб келдим. Станогим ёнига цехимиз ишчилари тўпланиб, келар-келмаслигимни бетоқатлик билан кутишмоқда эканлар.

—Булут,—кулиб юбордим мен, —тушга ўликлар кирса, ёмғирдан дарак берар экан, тушунарликми? Оғайнилар?

Бунга ишончим комил эди. Кеча кўчамиздаги кампирлар Ёжиковнинг туши ёмғирдан далолат берса керак, дейишди. Тўғри, нимагадир ёмғир бир-икки ҳафтагача ёғмади.

Русчадан Гулчеҳра МИРЗАЕВА таржимаси.

АҲОЛИ ХИЗМАТИДА


Бўстонлик районининг кинофикация ходимлари аҳолига кино хизмати кўрсатишни тобора яхшиламоқдалар.

Шу кунларда район хўжаликларида 28 та киноустановка намунали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, бешта кўчма киноустановка тог оралиқларидаги сут-товар фермаларида, қўйчилик отарлари ва бўрдоқичилик пунктларида ишлаб, турибди.

Киномеханикларнинг хизматидан ўтган йили 1 миллион 100 мингдан ортиқ томошабин баҳраманд бўлди. Бу кўрсаткич, плондагига қараганда 190 минг киши ортиқдир. Йиллик план анча ошириб бажарилди.

Шу йил квартал плани эса 116 процент этиб бажарилди. Бу соҳада киномеханиклар қўлга киритган ҳисса катта бўлди. Жумладан, Боғистон ва Сижжак қишлоқлари аҳолисига кино хизмати кўрсатаётган Ғиёс Нажимов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

У. НИЁЗОВ,
С. МИРЗАЛИЕВ.



ТОШКЕНТ оқшомлари кимни мафтун этмайди, дейсиз! Юзлаб ложувард чироқлар рангба-ранг товланиб шаҳар чиройига чирой қўшиб юборади. Суратда: шаҳар марказининг оқшомги жамоли.

И. Глауберзон фотоси.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

СУД ЗАЛИДАН

Ҳусан Алимуҳамедов ёш бўлса ҳам панд беришга келганда устаси фарангдардан. У қаерда ишламасин, «тил» топишга уринади. Ҳусан 2519-сонли автоколоннага шофер бўлиб ишга ўрнашиб олгач ҳам иши «юришиб» кетди: Автоколонна бошлиқларининг «тили»ни топди. У ўзига биркитирилган «ТНВ—60—01» маркали «Волга» машинасини ишдан сўнг гаражга топширмай, уйига олиб нетадиган бўлди, аста-секин машинани шахсий мулкига айлантириб олди. Хоҳласа туни бўйи киракашлик, хоҳласа тунамачилик қилди. Автоколонна раҳбарлари эса билмаган кишидек ўзларини гўлликка солишди.

Бир куни Алимуҳамедов Ҳусан навбатдаги «ов»га ҳозирлик кўрди. У ишдан чиқди-да, «Автодорстройтрест»да техник бўлиб ишловчи ўртоғи Миржалил Холиқовнинг уйига бориб, уни ўзи билан «ов»га чиқишга таклиф қилди.

— Тайёр машина, — деди у, кўмаклашсанг бас. Топилмани арра қиламиз...

Улар машинага ўтиришиб, йўл-йўлакай «ов» режаларини тузиб олишди. Олдин алламаҳалгача киракашлик қилишди. Айни вақтда қулай пайт, дурустроқ «ов»ни кузатиб боришди.

Соат ўн иккидан оққан эди. Қалининг майдонида башанг кийинган икки йигит машина кутиб туришарди. Ҳусан Алимуҳамедов рулни улар томон буриб, машинани тўхтатди.

— Қаерга борасизлар? — сўради у, кабина ойнасидан калласини ярим чиқариб.

— Пединститут томонга, — жавоб берди йигитлардан бири.

— Марҳамат ўтиринглар...

Ҳусан машинани Богдан Хмельницкий кўчаси орқали ҳайдаб, йўловчилар айтган манзилдан ўтиб Бўрижар томонга бурди. Йўловчиларнинг қаршилигига Ҳолиқов билан Алимуҳамедов дўқ-пўписа қилишди. Ҳусан машинани пастқам жойга келтириб тўхтатди. Ҳолиқов кабинадан апил-тапил чиқиб, «рақиби»га қарши шайланиб турди.

— Қани, машинадан чиқиб, ёнларингдаги пулларингни бу ёққа чўзинглар, — деди дўқ уриб.

— Бўлмаса...

Йўловчилардан бири кабинадан чиқиши билан М. Ҳолиқов унинг қорнига тепди.

— Бор-йўғингни чиқармасанг, аҳволинг чатоқ бўлади, — дўқ урди Ҳусан.

Шундай қилиб, тунамачилар иккала йигитнинг ёнидан 80 сўм пулни олиб, тун қаърига кириб кетишди. Лекин...

Яқинда Фрунзе район халқ суди судья Маҳкам Амиржонов раислигида жиноятчиларнинг иши икки кун давом этган очиқ суд мажлисида кўрилди. Ҳусан Алимуҳамедов ўз қилмишларига иқрор бўлди. Лекин, тунамачи ва безори Ҳолиқов бисотидаги жамики найрангларни ишга солиб, суддан қуруқ чиқишга уринди, суд ҳайъатини чалғитишга ҳаракат қилди. Аммо судья М. Амиржоновнинг фактларни чуқур таҳлил қилиши, гувоҳларнинг кўргазмалари ва ишдаги далилий ашёлар асосида олиб борган тафтиши жиноятчининг қилмишларини фош этди.

Безори, тунамачилар — Миржалил Ҳолиқов беш йил, Ҳусан Алимуҳамедов тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Залда ҳозир бўлганлар одил суд ҳукмини қарсак билан қарши олдилар.

М. ИБРОҲИМОВ.

ОЛИМЛАРГА АВТОРЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Тошкент политехника институтида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг аскарияти ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган.

Ўтган йили олий ўқув юрти олимлари учун айниқса самарали йил бўлди. Институт лабораторияларида, кафедра ва устаҳоналарида бажарилган тадқиқотларнинг кўпи ҳаётга тадбиқ этилди. Шу билан бирга улардан бир нечтасининг рўйхати ихтиро ва кашфиётлар бўйича Давлат комитетига юборилди.

Яқинда олий ўқув юртига хушхабар келди. Давлат комитети томонидан институт олимларидан 20 кишига авторлик гувоҳномаси берилганлиги маълум бўлди. Ўлчов техникаси ахбороти, органик химия, қуюв ишлаб чиқариш ва бошқа кафедраларнинг толмас тадқиқотчилари ана шулар жумласидандир.

Авторлик гувоҳномасига сазовор бўлган илмий ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилгач, 140 минг сўмликдан ортиқ маблағ тежаб қолинади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.50— Курсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 9.55—«Экран ҳамдаси» (Киноэшиттириш). 10.35 — «Эҳтиёт бўлинг, буви!» (Бадиий фильм).

12.00 дан —Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.30—Кўрсатувлар программаси, 17.35 —Телевизгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.45— Болалар учун. Телевизион қўғирчоқ театри. 18.15—Телевизгиликлар. 18.30 —«Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари» (Тележурнал) 19.20—«Аҳлоқи одоби билан» (Концерт). 19.55 — Кўрсатувлар программаси.

20.00 дан—Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

12.00 — ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ. Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Саноат электроникаси. (рус тилида).

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—«Физкультура ва спорт» тележурнали. 20.30—Пилла-бойлигимиз. 20.45— «Хўжа Насриддиннинг 12 қабри» (Бадиий фильм). 22.10—Андижон область, Қўргонтепа район, «Ойим» совхози «Гулдаста» ансамблининг концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан—Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—17/V да Этик кийган мушук (кундузи). Риголетто (кечкурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 17/V да Фарғона тонг отгунча, 18/V да Икки билагузук.

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОЙИДА —ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ ҲТИДАГИ БАЛЕТИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» драма театрида — 17/V да Учинчи орзу (кундуз соат 4 да).

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 18/Vда— 5-абонемент бўйича олтинчи концерт-лекция. «Ҳамза ва Ўзбек совет музикаси» (кеч соат 6 да).

КИНО

Мазандарон шери— «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун).

Ҳалоскорлик (2 серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечкурун).

Олтин—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Эр-хотиннинг уруши (2 серия) —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва 5 да).

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (КУРАШ МАЙДОНИДА)

16—17 МАЙДА

КУЛГИ ВА АСКИЯ КЕЧАСИ ЎТКАЗАДИ

Қатнашадилар: Ҳажвия ва ин-термедиларда: Абдуқосим ТЎЙЧИЕВ, Одилжон ОҲУНЖОНОВ, Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ, Турсунбой ҲАКИМОВ.

Асияларда: Айниддин ЗАЙНИДДИНОВ, Қодирхон ФОЗИЛОВ, Жалолиддин РАҲИМОВ ва бошқалар.

Кечада Жўрахон РАҲИМОВ, Олимжон ОРИФЖОНОВ ва 12 ёшлик хушовоз хонанда Содиқжон ХУЖАЕВ ва бошқалар қатнашади.

Бегубор кулги сизга ҳамиша бахтиёрлик бахш этади.

Кечамизда фақат куласиз.

Дўстлар, кулги ва асния кечасига шошилинг.

Кулги ва асния кечаси кеч соат 8 ларимда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Тошкент давлат циркида

24 МАЙДА

МАВСУМ ТУГАЙДИ

ЛИЛИПУТЛАРНИНГ МУЗИКАЛИ АТТРАКЦИОН АРТИСТЛАРИ ИЖРОСИДА ЯНГИ ПРОГРАММА

Постановкачи—РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими М. КАЧУРИНЕР.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

БОЛГАРИЯ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1648. ИНДЕКС — 64697. Р — 12614